



100128, Тошкент шаҳри, Зульфияхоним кўчаси, 3 уй тел. (+99871) 241 72 01, 241 72 03

Факс (+99871) 244 59 55 e-mail: info@mintrans.uz www.mintrans.uz

2019 йил «19» апрель
№ 7/955-346

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг депутати
А.А.Умаралиевга

Хурматли Акмал Акбаралиевич!

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш департаменти 2019 йил 9 апрелдаги 13/03-22-89-сонли сўровингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Жорий йилнинг 17 апрель куни вазирликнинг Тошкент вилояти бошқармаси ҳодимлари томонидан Окқўрғон туманига борган ҳолда кўтарилган муаммоларни ўрганиб чиқилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, Окқўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини узоғини яқин қилиш ҳамда қулайлик яратиш мақсадида “Окқўрғон автобус - такси саройи” МЧЖ томонидан 2017 йил 20 февралдаги 3-сонли буйруғига асосан коллежга ГБА СПГ ПА3-32054 русумли давлат рақами 10/833КАА бўлган автобусни ҳада қилинган.

Ушбу автобус ўқувчиларни узоқ ҳудудлардан коллежга қатнашларида хизмат қилиб келган ва ўқувчиларнинг давоматлари яхши бўлган. Бугунги кунда мазкур автобус таъмир талаб аҳволда бўлганлиги сабабли, ўқувчиларни коллежга қатнашларида қийинчиликларни келтириб чиқараётганлиги маълум бўлган.

Окқўрғон тумани “Навбахор” МФЙ раиси томонидан берилган маълумотномада “Навбахор” маҳалласи автобус қатновларига эҳтёжи йўқлиги маълум қилинган ва ГБА СПГ ПА3-32054 русумли давлат рақами 10/833КАА бўлган автобусни таъмирлашда амалий ёрдам бериш сўралган.

Мазкур ҳудудда автобус қатновини ташкил этиш юзасидан олиб борилган ишларда автобус йўлининг ҳолатига эътибор берилганда “Навбахор” маҳалласидан “Учтепа” маҳалласигача бўлган 8 км масофадан 4.5 км масофа автомобиль қатнов йўлининг йўл копламаси таъмир талаб ҳолатда эканлиги аниқланган ва Окқўрғон тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига (ТЙФУК) йўлни таъмирлашда амалий ёрдам беришни сўраб 2019 йил 18 апрелдаги 997-сонли хат юборилди (Нусҳаси илова қилинади).

Йўл ҳолати тегишли ташкилотлар томонидан таъмирланиб, талабга жавоб бериши ҳақида хулоса берилгандан сўнг “Навбахор” ва “Учтепа” маҳаллаларига автобус қатнови йўлга қўйилишини маълум қиламиз.

Илова 2 варақда.

Департамент бошлиғи

Р.Рузметов

13/03-22-89

23

04

19